



№4
2024



ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ
NÓKIS FILIALÍ

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI | ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА | BULLETIN OF MUSIC AND ART

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ

ILIMIY - METODIKALÍQ JURNAL



**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ
BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR
MINISTRILIGI
ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ MÁDENIYAT
MINISTRILIGI
ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ
NÓKIS FILIALÍ**

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ
Ilimiy-metodikaliq jurnal

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI
Ilmiy-uslubiy jurnal

ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА
Научно-методический журнал

BULLETIN OF MUSIC AND ART
Scientific-methodical journal

№ 4/2024

SHÓLKEMLESTIRIWSHI:

Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali

Bas redaktor: – Allanbaev Rudakiy, professor

Juwaplı xatker: – Kamalova Difuza, *filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori, docent.*

REDKOLLEGIYA AĞZALARI:

OZODBEK NAZARBEKOV – Ózbekstan Respublikası Mádeniyat ministri, professor;

AZIZBEK TURDIEV – Ózbekstan Respublikası Oliy Majlis Senatının jaslar, mádeniyat hám sport máseleleri komiteti baslıǵı orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

BEGIS TEMIRBAEV – Qaraqalpaqstan Respublikası Mádeniyat ministri, docent;

KAMOLIDDIN URINBAYEV – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası rektori, docent;

OMONILLA RIZAEV – kórkem ónertanıw ilimleriniń kandidati, professor;

HIKMAT RAJABOV – professor;

ORAZALI TOSHMATOV – professor;

BAXT AZIMOV – pedagogika ilimleri kandidati, docent,

MUHABBAT TOLAXOJAEVA – kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

MARFUA XAMIDOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

BOLTABOY SHODIYEV - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori;

OZODA TOSHMATOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

SAYYORA ĞAFUROVA – professor;

OYDIN ABDULLAEVA – professor;

IRODA MIRTALIPOVA – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

PARAXAT MAMUTOV – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

QURBANBAY JARIMBETOV – filologiya ilimleriniń doktori, professor;

ALIMA BERDIMURATOVA – filosofiya ilimleriniń doktori, professor;

ZIYADA BEKBERGENOVA – filologiya ilimleriniń doktori (DSc), professor;

ALIMA PIRNIYAZOVA – filologiya ilimleriniń doktori (DSc);

YUSUPOV QONÍSBAY – pedagogika ilimleriniń doktori (DSc), professor;

UTEBAEV TAJIBAY - pedagogika ilimleriniń doktori (DSc), professor;

SEYTKASIMOV DAULETNAZAR - pedagogika ilimleriniń doktori (DSc);

ARTÍQBAY EREJEPOV – pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

JAÑABAY MARZIYAEV – filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

Jurnal qaraqalpaq, ózbek, rus hám ingliz tillerinde jılına 2 márte basıladı. Jurnal Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administraciyası janındaǵı Málimleme hám galaba kommunikaciýalar agentligi tárepinen mámleketlik dizimnen ótkerilgen. №047569 4-oktyabr, 2022-jıl.

Ózbekstan Respublikası Joqarı Attestaciya Komissiyasınıń 2024-jıl 30-iyuldaǵı 358-sanlı qararı tiýkarında jurnal 17.00.00-Kórkem ónertanıw ilimleri jónelisi boyınsha dissertaciya nátiýjelerin baspadan shıǵarıw ushın arnalǵan jetekshi ilimiy jurnallar qatarına kiritilgen.

Redaksiya mánzili: Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali Turan oypatı 29-jay.

E-mail: ozdknf@edu.uz, UZDK_Nukus@exat. Tel:551020540 Veb-sayt: <https://science.uzdknf.uz/>

ISSN-2181-4112

ИЛМ ВА ТАЖРИБАДАГИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

(Васильев Феокист Никифорович ижоди мисолида)

Азимов Б.

Ўзбекистон давлат консерваторияси

Аннотация: Мақолада инсон камолотида устознинг ўрни, уларни ҳозирги замон талаби асосида тарбиялашда кекса авлод илми, тажрибасидан самарали фойдаланиш, жумладан Ф.Н.Васильев ва унинг шогирдлари фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: устоз, тажриба, мусиқа ижрочилиги, анъана, шогирд, вазифа, долзарб, кун талаби.

Аннотация: В статье говорится о роли учителя-наставника в развитии исполнителя музыканта, эффективном использовании знаний и опыта старшего поколения с учетом требований современности, в том числе, о деятельности Ф.Н. Васильева и его учеников.

Ключевые слова: педагог, наставник, опыт, музыкальное исполнение, традиция, ученик, задача, требование дня.

Abstract: The article talks about the role of a teacher-mentor in the development of a performing musician, the effective use of knowledge and experience of the older generation, taking into account the requirements of our time, including the activities of F.N. Vasiliev and his students.

Key words: teacher, experience, musical performance, tradition, student, task, course, requirement of the day.

Кириш: Ўқитувчи-устоз энг аввало ўз фани, унга бўлган фидойилиги, илмий ёндашиши билан ёшларни тарбиялайди. Шундай экан, таълим мазмунини янгилаш ҳақида ғамхўрлик қилишда мусиқа таълими ҳам бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Инсон камолотида устознинг, у берган ўғитларининг ўрни алоҳида нуфузга эга. Замонавий ўқитувчи-устоз ўқувчи-шаогирдлар билан биргаликда янги нарсаларни кашф этиши, янги технологик ютуқлар тақдим этаётган имкониятлардан тўғри фойдаланишга кўмаклашиш, мусиқа асарини тинглаш, ўзлаштириш қобилиятини тизимли равишда олиб бориш мажбуриятини юклайди. Дарс жараёнида устоз ёш мусиқачини тарбиялашда турғунликни бартараф этиш, самарали натижаларга эришиш учун ўрганилаётган асарлар билан боғлиқ таълимнинг қизиқарли шакллари топиши, ҳар бир ўқувчи-шогирдда янги уфқлар очиш, ўз-ўзини тинимсиз такомиллаштиришга интилишни тарбиялаш зарур. XX асрнинг буюк рус пианисти Г.Нейгауз тўғри таъкидлаганидек: “Сиз истеъдодларни

ярата олмайсиз, лекин маданиятни, яъни бу истеъдодлар ўсиб, гуллаб-яшнайдиган тупроқни яратишингиз мумкин”. Шу нуқтаи назардан “тупроқ” деганда устоз – тарбиячи, ижодкор ва ижодкорнинг меҳнати тушунилади.

Асосий қисм: Бу борада Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, бастакор, дирижёр, Қорақалпоғистонга хизмат кўрсатган ёшлар устози, “Шухрат” медали соҳиби, профессор Ҳикмат Ражабов мусиқа санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан ҳисобланади. Ёшларга таълим-тарбия бериш каби мураккаб жараёнда ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Бугун улар яна бир ибратли ишга қўл урганларини эшитиб, уни тасдиқлаш борасида айрим фикрларимни баён этмоқчиман. Устоз даражасига етган, қўплаб шогирдлар тайёрлаган, турли чолғулар учун асарлар яратган, ўқув ва профессионал оркестр жамоаларига раҳбарлик қилиб келаётган Ҳикмат Ражабов ўз устози Васильев Феохтист Никифорович (1919-1987)ни ёд этиш мақсадида тадбир ўтказишни режалаштириб, устозни билган, кўрган, ундан таҳсил олганлар билан ўртоқлашишни лозим топибди. Бу таҳсинга сазовор ёндашув, чунки бундай тадбирлар талабаларга, умуман ёшларга ижодий таъсир қилади, ўз олдига мақсад қўйиш, касбига фидойи бўлиш, ўз устида меҳнат қилишни ўзлаштиради, устозлар изидан боришга ҳаракат қилади, бу эса келажак ривожига учун муҳим ўрнатки вазифасини ўтайди. Шундай ўрнатки бўладиган тадбирлар Ҳикмат Ражабов учун оддий ҳолдек, кундалик вазфадек қарашлари ҳам уларнинг камтаринликлари, ўз билим маҳоратларини аямай ҳамқосблари, ёшларга улаштиришларидан дарак беради. Ҳикмат Ражабов кўп йиллик устозлик тажрибасига эга ижодкор инсон. Консерваторияни тугатиб турли ўқув даргоҳларида баракали фаолият юритган, раҳбарлик қилган, профессионал оркестр –Дони Зокиров номидаги Халқ чолғулари оркестри бадий раҳбари, дирижёр сифатида меҳнат қилган, шу оркестр репертуарини бойитиш учун кўпгина асарлар яратганлигидан хабардормиз. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида “Халқ чолғулари оркестри”га раҳбарлик қилганлари, турли тадбирларда концерт дастури билан чиқишлар қилганлари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланган. Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали ташкил этилиши муносабати билан у ерда ташкилий ишларга кўмаклашиш, оркестр жамоаси фаолиятини йўлга қўйишни зиммага олиб, янги ишга энг шимариб киришдилар. Орадан бир йил ўтиб, улар раҳбарлигидаги оркестрт жамоаси ЎзДК катта залида концерт дастурини муваффақият билан намоиш этди, олқишларга сазовор бўлди, консерватория жамоаси меҳрини қозонишга эришди. Ушбу концерт дастури Ю.Ражабий номидаги миллий мусиқа институти жамоасига ҳам тақдим этилди, Яна биров ўтиб Ҳикмат Ражабов ўз синфи талабалари концертини

намойиш этди, рубобчилар турли асарлар ижроси билан жамоани ўзига мафтун этди.

1 октябрда устозлар ва мурабийлар кунини тантанали равишда ўтказдик. Ҳар биримиз устозларимизни эсладик, ўтганларни хотирлаб, борларини табриклаб кайфиятларини кўтариш ҳаракатида бўлдик. Биламиз, ўқитувчилик-устозлик машаққатли, масъулиятли, келажак учун хизмат қиладиган касб ҳисобланади.

Ўзбекистон профессионал муסיқа санъати тарихига қисқача тўхталсак. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон аҳолиси 6.5 млн. ташкил этган. Шунга яраша мутахассилар сони ҳам озчиликни ташкил этган. Ўзбекистон профессионал муסיқа санъати Тошкент давлат консерваторияси ташкил этилиши (1936) билан бошланди. Тошкент Давлат консерваторияси Ўрта Осиё ва Қозоғистонда «Халқ чолғулари» мутахассислиги бўйича юқори малакали муסיқа олий ўқув юрти бўлди.



1952 йилда факультетни илк бор А. Одилов (чанг), В. Я. Борисенко (прима-рубоби), Ф. Н. Васильев (қашқар рубоби) тамомладилар. Илк битирувчиларнинг Давлат имтиҳон ҳайъатида Н. А. Римский-Корсаков номидаги Ленинград консерваториясининг профессори Б. А. Аранои (раис), халқ артисти М. Ашрафий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор А. И. Петросянц, доцент И. П. Благовсшченский каби атоқли муסיқачилар қатнашдилар. Махсус туркум бўйича Давлат имтиҳони уч қисмдан иборат

эди: якка дастур ижроси, оркестрга дирижёрлик қилиш ва ижодий ишни кўрсатиш (битирувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида муסיқа асарини оркестр ижросига чолғулаштириш). Ана шу битирувчилар келгусида Республика ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги санъатининг шаклланиши, ривожига ҳисса қўшдилар ва бу бебаҳо хазина бўлиб хизмат қилди. Ўқитувчи-устозларнинг кўп йиллик тажрибалари деярли ҳар бир ўқувчига унинг истеъдодидан қатъи назар алоҳида ёндашиш талаб этади. Ижрочилар билан ишлашда, ўқитувчидан даставвал талабаларда муסיқа ижрочилиги фаолиятига муҳаббат уйғота олиш, ўз устида тиннмай изланиш, шуғулланишни талаб этади.

60-90-йилларда халқ чолғулари ижрочилиги соҳасида бутун умрини ўқувчи-талабаларга таълим-тарбия берган устозлар номини эслатиб ўтамиз: М.Тоиров най, айникса Ф.Васильев, С.Тахалов (рубоб), В.Борисенко,

А.Маликов (прима-рубоби), Ғ.Эргашев (афғон рубоби), А.Назаров (дудор бас), Б.Раҳимжонов, А.Ҳамидов (дудор), В.Беленький, А. Холмуҳамедов, Т.Тошмуҳамедов, А.Умаров, И.Шельпук (ғижжаклар), Ф. Содиқов, Ф. Харратов, Р. Неъматов (чангчилар), Т. Алиматов (танбур, сато) кабиларнинг ўқитувчиликлари ва ижодий йўлини юксак баҳолаш лозим.

Касбига содиқ устозлар бор экан, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ишлари замон талаби даражасида бўлишига шубҳа йўқ.

Консерватория 1936 йилда ташкил этилган бўлса, халқ чолғулари бўлими 1948 йилдан фаолиятини бошлади. Ана шу даврда Васильев Феоктист Никифорович биринчи талабалар қаторида ўқишни бошлади, мусиқа ижрочилигидан яхши хабардор бўлганлиги учун 2 курсга қабул қилинган (1948-1952) А.И.Петросянц қўл остида рубоб ижрочилиги, дирижёрлик маҳоратини эгаллаган. 40 йилдан ортиқ ўзбек мусиқа санъати ривожига ўз ҳиссасини қўшган, кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Биз ўқиган даврда секция мудири вазифасини бажарган Васильев Феоктист Никифорович қўл остида рубобчилар, афғон рубоби, дудор бўйича шогирдлар вояга етган. Устоз шогирдларига меҳрибон, ғамхўр бўлиш биоани бирга талабчан, ижрочилик маҳоратини эгаллашга бўлган эътибори катта эди. Имтиҳонларда плектор секциясини бошқарган, барча талабалар ижросига жиддий ёндашган, камчиликларга йўл қўймаган, барчага бирдек талаб билан қараган. У даврда ўқув адабиётларига эҳтиёж катталигини сезиб, чолғулар учун дарслик, ўқув қўлланмалар chop этирган. Устоз ишини давом қилган шогирдлар ҳам маҳоратли ижрочи-созандалар тайёрлашга хизмат қилиб келдилар ва келмоқдалар. Улар орасида Сулаймон Тахалов, Ари Бабахонов, Забиҳулла Зокиров, Раҳмиддин Қипчоқов, Ғани Тўлаганов, Аҳмад Қосимов, Ҳамидулла Шамсуддинов, Қобилжон Усмонов, Адхам Худойқудов, Ҳамижкул Дўстов, Бокижон Раҳимжонов (дудор), Тохир Ражабов, Уйғун Ашрапов, Каримжон Азимов, Фаррух Содиқов, Миркамол Назармуҳамедов, Ҳикмат Ражабов, Ғуломқодир Эргашев (афғон рубоби), Рўзиби Хўжаева (дудор) ва бошқалар устоз билим-тарбиясини олиб, соҳалари бўйича фаолият юритиб келмоқдалар. Ҳар бир устоз ўзи севган, ўзига яқин кўрган шогирдига кўпроқ эътибор қаратади. Феоктист Никифорович ҳам шогирди Ҳикмат Ражабовга алоҳида эътибор қаратганлигини эътироф этиш мумкин. У вақтларда яхши чолғулар ноёб бўлган даврда устоз ўзининг рубобини шогирдига совға қилган. Шогирд ҳам бу эътиборга лойиқ бўлиш учун ўз устида янада кўпроқ ишлаган, ижро маҳоратини оширган, шу рубобда кўпгина концертларда чиқишлар қилганликларининг гувоҳимиз. Ушбу рубоб хали ҳам Ҳикмат Ражабов томонидан ардоқланади, кўз қорачиғидек сақланади, бу ҳам устозга бўлган чексиз миннатдорлик, ҳурмат

белгиси. Ёшлар бундан ибрат олишлари, амал қилишларини тилаган бўлардим. Бугунги кунда ёшларимиз ўқув даргоҳларида, радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақдалар. Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришимиз ва бу ишда барчамиз фаол бўлишимиз зарур. Айниқса санъат намоёндалари олдинги сафда бўлишлари талаб этилади. Ўйлаймизки жамоанинг хайрли ишлари ўз ижобий натижасини беради, бунда талабалар ҳам фаол бўлишари даркор.

Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таъкидлаганидек, бир кўнгли синиқ кишининг кўнглини кўтариш, хотирини, дилини, қалбини шод этиш шу қадар улуғ ишки, бу вайрон бўлган Каъбани обод қилган даражасидадир. Алишер Навоий одамнинг кўнглини Каъбага қиёслаган, кўнгил синиқлигини Каъба вайронлигига менгзаган. Меҳр-мурувватнинг бундай буюк тимсоли, инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш, уларнинг муаммолари билан ўз муаммоси каби курашиш ҳар қандай кишининг қалбини жунбушга келтиради. Бугунги кун талаби ҳам шундай – биргаликда эзгу ишларга бош қўшайлик.

«Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган муқаддас бир вазифадур» (Абдулла Авлониё). Инсонлар бир-бирига ўхшамаганидек, уларнинг фикрлари ҳам хилма-хилдир. Биз устоз-муаллимлар Ватан, ватанпарварлик нимадан иборатлиги ҳақида ёшларга тушунча беришга, тўғри йўл кўрсатишга масъулмиз. Ўз мақсадимизга эришиш учун ҳамиша ҳаракатда бўлмоғимиз зарур. «Ҳаракат заиф бўлган жойда кучли билим фойдасиздир. Ҳаракатсиз билим, ипсиз камон ўқидир» (Аз-Замахшарий). Бугун айрим ёшларимиз Ватанимиз ўтмиши, қаҳрамон ботирлари, халқимиз анъаналари, байрамлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Ватан, ватанпарварлик тушунчалари Ватанпарварлик туйғусини сингдиришга ёрдам берувчи маълумотлар, тавсияномалар, кекса авлод тажрибаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мусиқа ва санъат дарғалари, замонамизнинг таниқли, тажрибали устоз-санъаткорлари фаолияти билан таништириш ҳам муҳимлигини инобатга олиб, ҳамкасбимиз, дўстимиз, кўп йиллик тажрибага эга бўлган дирижёр ҳақида мулоҳаза юритишга, ибратли фаолиятларини ёритишга эътибор қаратдик, бу ёш санъаткорлар учун ўрнатилган, ибрат вазифасини ўташига шубҳа йўқ. Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек:

“Заковат бор жойда улуғлик бўлади,

Билим бор жойда буюклик бўлади”.

Ёш авлодни маънан етук инсонлар қилиб тарбиялашда алломаларимиз, устоздаларимиз тарихини ўрганишлари, ўрнатилган қоидалари учун куч қайратимизни аямаслигимиз зарур. Инсонни илм-маърифат ва одоб улуғлайди. Ёшларимиз албатта тарихимизни билишлари, ҳозирги кундаги долзарб масалаларга тегарли бўлишлари, замон билан ҳамнафас қадам ташламоқлари зарур эканлигини тушунтирмоғимиз лозим. Буюкликка ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, бунда тарих, соҳа эгаларининг тажрибалари, эришган ютуқлари, ижодий фаолиятлари намуна, ибрат ҳисобланади. Бу ишда Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали раҳбари, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, профессор, таниқли вокалист, тажрибали устоз Рудакий Алланбоевга, у раҳбарлик қилаётган жамоага, бу ерда бир сафда ҳамфикр, сафдош бўлиб хизмат қилаётган “Шухрат” медали соҳиби, профессор Ҳикмат Ражабовга илмий-ижодий ишлар, ижрочилик йўналишида улкан ютуқлар тилайман, тажрибали, жонкуяр устозлар бор экан доим яхши натижаларга эришилади, фақат меҳнат қилишдан бўйин товламаслик керак.

Хулоса қилиб, қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- 1 Санъат, ижрочилик йўналишларида халқаро, республика миқёсидаги турли кўрик-танловлар ғолиблари, совриндорлари ҳақида маълумотлар бериб бориш, иложи бор бўлганда учрашувлар ўтказиб туриш;
- 2 Республикадаги таниқли санъаткорлар, ижодкорлар билан ижодий учрашувлар, суҳбатли концертлар ўтказиб бориш ҳам катта аҳамият касб этади;
- 3 Ўқув даргоҳига яқин бўлган Муסיқа ва санъат мактаблари билан ҳамкорликда турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб бориш, бу ёшларни ижодий фаолиятга, ижодкорликка, масъулиятни ҳис этишга хизмат қилади;
- 4 Талабаларни синф концертларида фаол қатнашишга қизиқтириш саҳна маданиятини эгаллашга, дўстлар орттиришга, ҳамкорликда ижод қилишга имкон яратади;
- 5 Радио ва телевидение орқали ёш ижрочи-созандалар чиқишларини ташкил этиш, ёшларга оид эшиттириш, кўрсатувлар юзасидан бахс-мунозара ўтказиш талабаларда фикрлаш, нутқ, маданиятини ўстиришга ёрдам беради;
- 6 АРМ, интернет материалларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш.
- 7 Соҳа бўйича ўтказиладиган Анжуман-Фестивалларда жамоани фаол

катнашишига эришиш.

- 8 Талабаларнинг ижро этаётган асарлари ҳақида таҳлил, мазмун, талқин ҳақида мунозаралар ўтказиб бориш ижрочиликка илмий ёндашишни ўстиради.

Юқоридагиларга амал қилиш ёш авлодни мусиқа санъати орқали ахлоқий тарбиялашни самарали олиб боришда катта таъсир кучига эга, бу ишни амалга ошириш, ҳар бир устоз-ўқитувчининг асосий вазифаси эканлигини эсдан чиқармаслик, чолғу ижрочилигига. ҳурмат руҳида тарбиялаш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Жамиятимиз тараққиётида маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш бугунги кунда бизнинг энг устувор вазифаларимиздан бири саналади. Айтилган бу фикрлар замирида ҳар доимгидек ёшлар туради, сабаби уларнинг бугунги кундаги олган таълим - тарбияси нафақат ўзлари учун балки юртимиз тараққиёти ва келажаги учун энг муҳим пойдевордир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 8 август ПҚ-3178-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора- тадбирлари тўғрисида” 27.07.2017 й., ПҚ-3151, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда.
3. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998. – 64 б.
4. Абдулло Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.,1996
5. Беруний. Рухият ва таълим тарбия ҳақида. Т., 1992.

MAZMUNÍ

MUZÍKATANÍW

1	Раджабова С.Р. СОВРЕМЕННОЕ ВОКАЛЬНОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ: СОЕДИНЕНИЕ ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИИ В АЦИОНАЛЬНОМ МУЗЫКАЛЬНОМ ИСКУССТВЕ.....	3
2	Туйчиева Р.Х. СОНАТА ДЛЯ СКРИПКИ И ФОРТЕПИАНО ФАТТАХА НАЗАРОВА В КЛАССЕ КАМЕРНОГО АНСАМБЛЯ.....	12
3	Muxamedjanova Z. YOSH KOMPOZITORLAR IJODIDA KAMER-CHOLG‘U ASARLARINING IJROCHILIK TALQINI.....	17
4	Ражабова Н.Ф. ЛАДЫ НАРОДНОЙ МУЗЫКИ В КУРСЕ СОЛЬФЕДЖИО.....	26
5	Saidxonov A.S. IOGAN SEBASTYAN BAX OHANGLARDAN TARALAYOTGAN HAYOT.....	31
6	Muxamedjanova Z. B.TURSUNBOYEVNING FORTEPIANO UCHUN “SAVTI KALON SOQIYNOMASI” MAVZUSIGA VARIATSIYASI TAHLILI VA TALQIN MASALASI.....	36
7	Чаршемов Ж.А. ОРКЕСТР УЧУН КОНЦЕРТ ЖАНРИ ТАРИХИ.....	44
8	Kamalova G.M. JAMIL CHARHEMOVTIŇ “POPURRI” SHÍGARMASINIŇ ÓZGESHELIGI.....	52
9	Allaniyazov B.Q. «MUXAMMES» JANRINIŇ TEORIYALÍQ HÁM ÁMELIY MASHQALALARI.....	58
10	Мухамедзянов К.Т. О ВОКАЛЬНОМ ЦИКЛЕ «РУБАЯТ» НОДИРА МАХАРОВА НА СЛОВА АЛИШЕРА НАВОИ.....	64

KÓRKEM ÓNER

11	Allanbaev R.O. MUZÍKALÍ SHÍGARMALARDIŇ QARAQALPAQ TEATRÍŇDA TUTQAN ORNI.....	69
12	Djumaniyazov U.M. XALQ CHOLG‘ULARI ORKESTRIDA RUBOB PRIMANING O‘RNI.....	76
13	Áliev N.Ġ. QARAQALPAQ MUZIKA MÁDENIYATINDA DEMLI ÁSBAPLAR.....	81
14	Kamalova G., Dauletbaeva G. DUWTAR SAZ ÁSBABIŇ ZAMANAGÓYLESTIRIWDIŇ ÁHMIYETI.....	89
15	Karimova N. O‘ZBEKISTONDA O‘TKAZILAYOTGAN XALQARO TIVALLARNING MADANIY ALOQALARDAGI ROLI (Xalqaro asal ivali misolida).....	95
16	Ризаев О. ТЕАТР ВА ЗАМОҲ.....	105
17	Shukurov A. MILLIY O‘ZLIKNI ANGLASHDA MILLIY MADANIYATNING AHAMIYATI.....	111

18	Хожаназаров Т. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ОПЕРА САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.....	117
19	Мамадалиев А. ЎЗБЕК МАДАНИЙ МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИДА ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ АНСАМБЛЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (чангчилар ансамблида Ф.Содиқовнинг “Ҳумор” асари мисолида)..	122
20	Назаров О. МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРДА ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУТАХАССИСЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ (Абдувоҳид Мажидов фаолияти мисолида).....	129
21	Юлдашева М.Б. РОЛЬ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ И КУЛЬТУРНОЙ ДИПЛОМАТИИ В ПРОДВИЖЕНИИ КУЛЬТУРЫ УЗБЕКИСТАНА.....	135

MUZÍKA PEDAGOGIKASÍ

22	Gulmanov I.Sh. DÁP ÁSBABÍN OQÍTÍW METODIKASÍ TARIYXÍ..	143
23	Iseev R. FORTEPIANO SABAGÍNDÁ SES GOZALLÍGÍ ÚSTINDE ISLEW PROCESI.....	154
24	Yusupaliyeva D.K. YANGI O‘ZBEKISTON YOSHLARI TARBIYASIDA MILLIY QADRIYAT: MONIYAT VA MAZMUN....	160
25	Азимов Б. ИЛМ ВА ТАЖРИБАДАГИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ (Васильев Феоктист Никифорович ижоди мисолида).....	168
26	Казакбаева М. РОЛЬ И РАЗВИТИИ ЦИФРОВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ В МУЗЫКАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ.....	175
27	Умарова В. РАБОТА НАД ПОЛИФОНИЧЕСКИМИ ПРОИЗВЕДЕНИЯМИ В КЛАССЕ «СПЕЦИАЛЬНОЕ ФОРТЕПИАНО».....	180

JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

28	Тлеуниязова Г.Б. ЗАМОНАВИЙ ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРИКАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИДА ШЕЪР КОМПОЗИЦИЯСИ.....	186
29	Бекбергенова А.У. ПИСЬМЕННЫЙ ПАМЯТНИК «КИТАБИ ДЕДЕМ КОРКУТ» И ДАСТАН «ЕР ЗИЙУАР».....	196
30	Бекбергенова А.У. ҚАРАҚАЛПАҚ ОЧЕРКЛЕРИНИҢ РАЎАЖЛАНЫЎ ТЕНДЕНЦИЯЛАРЫ (1991-2000-жыллар).....	202

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER
XABARSHÍSÍ
Ilimiy-metodikaliq jurnal

“STATION X” baspası
Nókis-2024